

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Тошкент ш. – г. Ташкент

31 январь 2018 й.г. № 70

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат  
хизматлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 12 декабрдаги ПФ–5278-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 12 декабрдаги ПҚ–3430-сон қарорини ижро этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги ПФ–5278-сон Фармони билан тасдиқланган 2018 - 2020 йилларда босқичма-босқич жорий этиладиган, “ягона дарча” тамойили бўйича фақат Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатини амалга оширишга доир чора-тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни амалга оширадиган ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади;

Агентлик ўз фаолиятида бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақилдир ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ҳисобот беради;

тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун тушадиган давлат божининг барча суммаси, шунингдек, давлат хизматлари марказлари ва Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари учун тўланадиган давлат божлари ва барча турдаги йиғимлар суммасининг 20 фоизи миқдоридagi маблағлар, мансабдор шахслар томонидан давлат хизматлари кўрсатиш тартиби бузилганлиги учун қўлланиладиган маъмурий жарималар суммаси белгиланган тартибда Агентликнинг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказилади;

Агентликнинг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан тасдиқланадиган ва тегишли молия органларида рўйхатдан ўтказиладиган харажатлар сметаси ва штатлар жадвалига асосан қонун ҳужжатларига мувофиқ Агентликни сақлаб туришга, унинг моддий-техник базасини шакллантириш ва мустаҳкамлашга, меҳнатга ҳақ тўлашга, Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказлари ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилишга ва бошқа мақсадларга йўналтирилади.

### 3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда бир ой муддатда Агентликнинг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатилган пул маблағлари тушишини алоҳида ҳисобга олиш учун даромадлар бўйича тегишли шахсий газна ҳисобварақлари очилишини таъминласин;

Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармаларининг моддий-техник базасини шакллантириш, уларнинг самарали ишини ташкил қилиш учун зарур бўлган компьютер ва нусха кўчириш техникаси, алоқа воситалари, дастурий воситалар, идора мебели билан жиҳозлаш, шунингдек, хизмат автотранспорт воситалари сотиб олиш ва уларни сақлаш учун бир ҳафта муддатда “ягона дарча” марказларининг фаолиятини молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг номига махсус очилган шахсий ҳисоб рақамидан маблағ ажратсин;

Агентликнинг бюджетдан ташқари жамғармаси шахсий ҳисоб рақамига “ягона дарча” тамойили бўйича тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари фаолиятини молиялаштириш учун мўлжалланган маблағлар қолдиқлари, шу жумладан, тижорат банклари депозитларига жойлаштирилган маблағлар ўказилишини таъминласин;

“ягона дарча” тамойили бўйича тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларининг бино ва иншоотлари, шунингдек, уларга тегишли бўлган транспорт воситалари, асбоб-ускуналар, жиҳозлар, ҳужжатлар ва бошқа мол-мулк Агентликнинг ҳудудий бошқармаларига белгиланган тартибда текин берилишини таъминласин.

4. Давлат хизматлари марказлари орқали давлат хизматларини кўрсатувчи давлат органлари ва ташкилотлари тегишли маблағларни ўтказиш учун банк ва газначилик ҳисобварақлари тўғрисидаги маълумотларни ҳамда ушбу ҳисобварақларда мавжуд бўлган ўзгаришларни инобатга олган ҳолда маълумотларни ўз вақтида тақдим этсинлар.

### 5. Белгилансинки:

мобил (сайёр) давлат хизматларини кўрсатиш учун фойдаланадиган автотранспорт воситаларига хизмат транспорт воситаларининг йўл босиш йиллик лимити ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 апрелдаги 154-сон қарори билан белгиланган нормативлар қўлланилмайди;

Хизмат автотранспорти ҳайдовчиси лавозимларини жорий этишда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг хизмат кўрсатувчи ҳамда техник ходимларини жорий этиш нормативлари ва шартлари Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармаларига татбиқ этилмайди.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Агентликнинг марказий аппаратига 3 та ва Агентликнинг ҳудудий бошқармаларига 42 та автотранспорт воситаларини сақлашга лимит ажратсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда Агентликнинг бюджетдан ташқари жамғармаси шахсий ҳисоб рақамларига Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари учун тўланадиган давлат божи ва барча бошқа турдаги йиғимлар суммасининг 20 фоизи миқдоридаги маблағлар ўз вақтида ўтказилиши механизмини ишлаб чиқиш бўйича зарур чора-тадбирларни кўрсин;

Агентликни белгиланган тартибда зарур телефон алоқаси, шу жумладан, ҳуқумат алоқа тизими билан таъминласин.

8. Агентликнинг Тошкент шаҳар бошқармаси Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси 14-уй манзили бўйича бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

9. Тошкент шаҳри ҳокимлигига Тошкент шаҳар, Амир Темур шоҳ кўчаси 14-уйда жойлашган Агентлик Тошкент шаҳар бошқармаси биносини таъмирлаш учун истисно тариқасида, танлов савдолари ўтказмасдан энг яхши таклифларни танлаш йўли билан пудратчи ва лойиҳалаш ташкилотларини белгилашга руҳсат этилсин.

10. “Ўзавтосаноат” АЖ Агентликнинг буюртманомалари бўйича транспорт воситалари ажратилишини таъминласин.

11. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Молия вазири Ж.А.Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 31 январдаги  
70-сон қарорига  
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги  
Давлат хизматлари агентлиги тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, фаолиятини ташкил асосларини, шунингдек унинг раҳбарларининг функционал мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайди.

2. Агентлик жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

3. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади) таркибий бўлинмаси ҳисобланади ва унинг тизимига қиради.

Агентлик фаолиятига умумий раҳбарлик ва назорат қилиш, Агентлик ходимларининг малакасини оширишни ташкил этиш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш Вазирлик томонидан амалга оширилади.

4. Агентлик фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати томонидан амалга оширади.

5. Агентлик ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чоратадбирлари тўғрисида” 2017 йил 12 декабрдаги ПФ–5278-сон Фармони ва “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 12 декабрдаги ПҚ–3430-сон қарорига мувофиқ амалга оширади.

6. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига, шу жумладан, Вазирликнинг қарорларига амал қилади.

7. Агентликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

8. Агентлик ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бошқармалари (кейинги ўринларда ҳудудий бошқармалар деб аталади) юридик шахслар

ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, ўз номи давлат тилида ёзилган муҳр ва бланкаларга, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида шахсий ғазна ҳисобварақларига, шу жумладан, хорижий валютада банк ҳисоб рақамларига эга бўладилар.

9. Давлат хизматлари марказлари юридик шахс ҳисобланмайди, мол-мулкка, хўжалик юритувида ёки оператив бошқарувда алоҳида мол-мулкка эга бўлмайди.

Давлат хизматлари марказлари Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган муҳр ва бланкаларга эга бўладилар.

10. Агентликнинг расмий номи:

1) давлат тилида:

тўлиқ номи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, қисқартирилган номи – “Давхизмат” агентлиги;

2) рус тилида:

тўлиқ номи – Агентство государственных услуг при Министерстве юстиции Республики Узбекистан, қисқартирилган номи – Агентство госуслуг;

3) инглиз тилида:

тўлиқ – Public services agency under the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan, қисқартирилган номи – Public services agency.

## **2-боб. Агентликнинг тузилмаси**

11. Агентлик тизимига қуйидагилар киради:

Агентликнинг марказий аппарати;

ҳудудий бошқармалар:

Давлат хизматлари марказлари.

## **3-боб. Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармаларининг вазифалари ва функциялари**

### **1-§ Агентликнинг вазифалари ва функциялари:**

12. Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

1) жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

2) ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни бартараф этиш ҳисобига давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорликни ривожлантириш;

3) Давлат хизматлари ягона реестрини шакллантириш, ушбу соҳада давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

4) давлат хизматлари кўрсатишда фойдаланиладиган ахборот тизимлари, ресурслар ва маълумотлар базаларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш, жорий этиш ва интеграция қилишга ягона ёндашувларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

5) давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида, шу жумладан тегишли ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларини жорий этиш бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини назорат қилиш ва самарадорлигини баҳолаш;

б) давлат хизматлари кўрсатишнинг инновацион шакллари ва усулларини жорий этишни ташкил қилиш, ушбу соҳада қонунчилик ва ҳуқуқни кўллаш амалиётини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш.

13. Агентлик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

*1) жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш соҳасида:*

давлат хизматлари кўрсатиш масалалари бўйича давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради ва уларга методик раҳбарлик қилади;

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқади, уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Вазирликнинг топшириқлари бўйича ва ўз ташаббусига кўра қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

давлат хизмати кўрсатиш ҳолати тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилади;

давлат хизматлари марказлари фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;

давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида халқаро алоқаларни кенгайтириш ва унинг самарадорлигини оширишга кўмаклашади, давлат хизматлари кўрсатиш масалалари бўйича хорижий ва халқаро ташкилотлар билан алоқаларни ва ҳамкорликни йўлга қўяди;

юридик шахсларни, шунингдек, жисмоний шахсларни тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатига олишни ташкил этади;

молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларла ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган ташкилотларни тугатишда қонунчиликка риоя қилинишини таъминлайди, ташкилотларни тугатишда ваколатли органлар ва ташкилотларнинг фаолияти устидан назорат олиб боради;

*2) ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни бартараф этиш ҳисобига давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш, шунингдек, идоралараро электрон ҳамкорликни ривожлантириш соҳасида:*

давлат хизматлари кўрсатишда бюрократик тўсиқ ва ғовларга йўл қўймаслик мақсадида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро яқин ҳамкорлик ўрнатади;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолияти самарадорлигини, тезкорлигини ва шаффофлигини, уларнинг масъулияти ва ижро интизоми кучайтирилишини, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан қайта алоқани таъминлаш бўйича қўшимча механизмлар яратилишини таъминлайди;

идоралараро ахборот алмашуви инфратузилмасидан фойдаланган ҳолда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ўртасида электрон ҳужжат айланиши тартибини жорий қилади ва такомиллаштиради;

давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ўртасида ахборот алмашиш фаолиятини ташкил этишга кўмаклашади ва мувофиқлаштиради;

давлат хизматлари кўрсатишда фуқаролардан талаб қилинадиган ҳужжатлар ва маълумотларни қисқартириш бўйича зарур чораларни кўради;

кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини яхшилаш мақсадида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида тизимли равишда сўровлар олиб боради;

*3) Давлат хизматлари ягона реестрини шакллантириш, ушбу соҳада давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида:*

Давлат хизматларининг ягона реестрини шакллантиради, шунингдек, унинг лозим даражалаги (долзарб) ҳолатини таъминлайди;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларининг Давлат хизматлари ягона реестрини шакллантириш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

давлат хизматларини Давлат хизматлари ягона реестрига киритиш ва (ёки) чиқариб ташлаш бўйича таклифлар киритади;

*4) давлат хизматлари кўрсатишда фойдаланиладиган ахборот тизимлари, ресурслар ва маълумотлар базаларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш, жорий этиш ва интеграция қилишга ягона ёндашувларни ишлаб чиқишда иштирок этиш соҳасида:*

давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва давлат хизматлари марказларининг давлат хизматларини кўрсатишнинг сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган ҳамкорлигини кенгайтириш учун зарур бўлган ташкилий-техник ва молиявий-иқтисодий шарт-шароитларни ишлаб чиқишга кўмаклашади

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда давлат хизматлари кўрсатишда фойдаланиладиган ахборот тизимлари, ресурслар ва маълумотлар базаларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш, жорий этиш ва интеграция қилишга ягона ёндашувларни ишлаб чиқади;

давлат хизматлари марказларига мурожаат қилаётган жисмоний ва юридик шахслар учун давлат хизматлари кўрсатишда ишлатиладиган электрон рақамли имзони олиш учун шарт-шароитлар яратилишини таъминлайди;

қоғоз сансалорлиги ва бюрократизмдан воз кечиш йўли билан тўлиқ электрон шаклда давлат хизматлари кўрсатишни таъминлаш учун зарур чораларни кўради;

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида, шу жумладан, тегишли ахборот тизимлари, ресурслар ва маълумотлар базаларини жорий этиш ва интеграция қилиш бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради, назорат қилади ва самарадорлигини баҳолайди;

*5) давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида, шу жумладан тегишли ахборот тизимлари, ресурслар ва маълумотлар базаларини жорий этиш бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини назорат қилиш ва самарадорлигини баҳолаш соҳасида:*

давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг улар томонидан давлат хизматлари кўрсатишнинг белгиланган тартиби бажарилиши бўйича ишини назорат қилади;

маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш, шу жумладан, давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини таҳлил қилади;

давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини қонун ҳужжатлари ва маъмурий регламентлар талабларига риоя этилиши нуқтаи назаридан текширишларни амалга оширади;

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўймаслик ҳақида мансабдор шахсларни ёзма равишда огоҳлантиради;

давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига аниқланган қонун бузилишлари, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида кўриб чиқиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритади;

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун давлат органлари ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жазо қўллайди;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар давлат хизматлари кўрсатиш фаолияти ҳақида ва ушбу соҳада қонун бузилишлари ва унга йўл қўйган айбдор шахслар, мавжуд камчиликлар ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифларни ўз ичига олган маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига ҳамда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш учун бир йилда икки марта батафсил ахборот тайёрлайди;

*б) давлат хизматлари кўрсатишнинг инновацион шакллари ва усулларини жорий этишни ташкил қилиш, ушбу соҳада қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш соҳасида:*

илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятнинг замонавий ютуқларини инобатга олган ҳолда маъмурий тартиб-таомиллар, шу жумладан, давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича таклифлар тайёрлайди;

давлат хизматлари кўрсатиш жараёнини соддалаштириш ва оптималлаштиришни, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятининг самарадорлигини оширишни таъминлайдиган давлат бошқаруви инновацион шакллари жорий этишни ташкил этади;

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида илғор ахборот-алоқа технологияларини, шу жумладан, Интернет тармоғи ва электрон рақамли имзолар кенг қўлланилиши орқали фаол жорий этишни ташкил этади;

давлат хизматларини кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан муурожаат этувчилар ўртасида бевосита мулоқотсиз ҳамкорликни таъминлаш чораларини амалга оширади;

давлат хизматлари кўрсатишда жисмоний ва юридик шахсларга малакали ахборот ва маслаҳат ёрдами беради;

давлат хизматлари тўғрисидаги ахборотнинг тўлиқ очиклиги ва ундан фойдаланиш имконияти устидан назорат қилади;

Агентлик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

## **2-§ Агентлик марказий аппаратининг вазифалари ва функциялари**

15. Қуйидагилар Агентлик марказий аппаратининг асосий вазифалари ҳисобланади:

1) ҳудудий бошқармалар ҳамда давлат хизматлари марказлари билан биргаликда Агентликка юкланган вазифалар ва функциялар самарали бажарилишини таъминлаш;

2) ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш асосида давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштиришни ташкил этиш ва уларни кўрсатиш сифати мониторингини олиб бориш;

3) Агентлик, шу жумладан, ҳудудий бошқармалар ва давлат хизматлари марказлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

4) ҳудудий бошқармалар ва давлат хизматлари марказлари кадрлар билан таъминланишини мувофиқлаштириш;

5) давлат хизматлари марказларини ривожлантиришга кўмаклашиш, давлат хизматлари кўрсатиш тизимини ривожлантириш концепцияси ва истиқболларини аниқлаш;

6) давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўймаслик ҳақида мансабдор шахсларни ёзма равишда огоҳлантиради;

7) давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига аниқланган қонун бузилишлари, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритади.

16. Агентлик марказий аппарати унга юкланган асосий вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

1) ҳудудий бошқармалар ҳамда давлат хизматлари марказлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари ва фармойишлари ижроси юзасидан мунтазам назоратни таъминлайди.

2) Агентлик ва унинг раҳбариятининг фаолиятини ташкилий ва ахборот-таҳлилий таъминлашни амалга оширади.

3) ўз ваколатлари доирасида Агентлик директори (кейинги ўринларда Директор деб аталади) ва унинг ўринбосарининг буйруқ ва топшириқлари амалга оширилишини таъминлайди.

4) ҳудудий бошқармалар ва давлат хизматлари марказлари фаолияти мониторинги олиб борилишини ташкил этади;

5) давлат хизматларини ривожлантириш мақсадида илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга кўмаклашади;

6) Агентлик фаолиятини ҳуқуқий таъминлашни, шу жумладан, норма ижодкорлигини ташкил қилади;

7) Агентлик раҳбарияти учун бошқарув қарорларни қабул қилиш мақсадида давлат хизматларини кўрсатиш тенденциялари ҳақидаги ахборотни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил қилади;

8) давлат хизматлари кўрсатиш масалалари бўйича жисмоний ва юридик шахсларга ахборот ва маслаҳат ёрдами беради;

9) Агентлик ваколатига кирадиган тезкор, ташкилий, кадрлар, молия, ишлаб чиқариш-хўжалик ва бошқа масалаларни ҳал этиш билан шуғулланади.

10) ҳудудий бошқармалар ҳамда давлат хизматлари марказлари фаолиятини назорат ва таҳлил қилади;

11) ҳудудий бошқармалар билан биргаликда давлат хизматлари марказларига юкланган вазифалар самарали бажарилишини таъминлайди;

12) давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш масалалари бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар билан ҳамкорлик қилади;

13) давлат хизматлари кўрсатиш сифати мониторингини олиб боради;

14) давлат хизматлари марказлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатини кенгайтириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

15) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетидан ҳамда адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари, шу жумладан, Агентликнинг бюджетдан ташқари жамғармасининг маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган ҳудудий бошқармаларда молиялаштиришни, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил қилади.

16) ҳудудий бошқармалар ва давлат хизматлари марказларини моддий-техник таъминлашни ташкил этади;

17) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни ташкил этади;

18) давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида ҳалқаро ҳамкорликни амалга оширади.

### **3-§ Ҳудудий бошқармаларнинг вазифалари ва функциялари**

17. Қуйидагилар ҳудудий бошқармаларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

1) Агентликка юкланган вазифалар ва функциялар самарали бажарилишини таъминлашда иштирок этиш;

2) Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар, давлат солиқ хизмати органларининг раҳбарлари бошчилик қиладиган комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш секторлари (кейинги ўринларда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш секторлари деб аталади) билан давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида ҳамкорлик қилиш;

3) давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан мониторинг олиб бориш ва назорат қилиш;

4) давлат хизматлари марказларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

5) давлат хизматлари кўрсатишнинг муқобил шаклларини ривожлантиришда давлат хизматлари марказларини қўллаб қувватлаш;

6) давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўймаслик ҳақида мансабдор шахсларни ёзма равишда огоҳлантириш;

7) давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига аниқланган қонун бузилишлари, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш.

18. Худудий бошқармалар уларга юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

1) худудий бошқармалар фаолиятини ташкилий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлайди;

2) Давлат хизматлари марказлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукуматнинг қарорлари ва фармойишлари ҳамда Агентликнинг буйруқлари ижроси юзасидан мунтазам назоратни таъминлайди.

3) давлат хизматлари марказлари фаолияти устидан раҳбарлик ва назорат амалга қилади;

4) давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш масалалари бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар, шу жумладан, юридик ва жисмоний шахслар билан ҳамкорлик қилади;

5) давлат хизматлари марказлари харажатларини молиялаштиришни, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботни ташкил қилади;

6) давлат хизматлари марказлари моддий-техник таъминланишини, шу жумладан, мобил (сайёр) давлат хизматларини кўрсатишни ташкил этади;

7) юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни ташкил қилади;

8) ваколатига кирадиган тезкор, ташкилий, кадрлар, молия, ишлаб чиқариш-хўжалик ва бошқа масалаларни ҳал этиш билан шуғулланади.

#### **4-боб. Агентлик ва унинг худудий бошқармаларининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

##### **1-§ Агентликнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

19. Агентлик юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини қонун ҳужжатлари ва маъмурий регламентлар талабларига риоя этилиши нуқтаи назаридан текшириш;

давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига аниқланган қонун бузилишлари, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

давлат хизматлари марказлари орқали уларнинг бинолари ва туташ худудларида реклама фаолиятини, шунингдек, юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳолда тадбиркорлик субъектларининг муҳр ва штампларини тайёрлаш фаолиятини амалга ошириш;

давлат органлари ва мансабдор шахслардан Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва ахборотларни, шу жумладан, статистик маълумотларни сўраш ва текин олиш.

Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва бошқа ҳужжатларни белгиланган тартибда Вазирликка киритиш;

талаб этилиши ва давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш зарурлиги асосида Вазирлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига "ягона дарча" тамойили асосида фақатгина давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш;

тегишли маълумотлар базаларидан, давлат ахборот тизимларидан ва ваколатли органлар ресурсларидан белгиланган тартибда фойдаланиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Вазирлик томонидан тасдиқланган пуллик хизматлар рўйхати ва тарифларига мувофиқ пулли хизматлар кўрсатиш;

юқори малакали чет эллик ҳамда мамлакатимиз мутахассисларини контракт асосида консултант ва эксперт сифатида ишга таклиф қилиш;

Вазирлик билан келишган ҳолда Агентлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича белинган тартибда Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, идоралараро хусусиятига эга бўлган халқаро шартномаларни тузиш.

Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича халқаро даражада белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ифодалаш;

Вазирлик билан келишилган ҳолда халқаро ва хорижий ташкилотлар билан Агентликнинг ваколати доирасида ҳамкорлик қилиш;

Агентлик фаолиятини кенг ёритиш мақсадида расмий веб-сайтлар, шунингдек, ижтимоий тармоқларда саҳифалар яратиш;

ўз ваколатлари доирасида конференциялар, семинарлар, симпозиумлар ўтказиш, шунингдек, бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилган шунга ўхшаш тадбирларда иштирок этиш;

Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича методик материаллар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича мажлисларда Агентликнинг ҳудудий бошқармалари ва таркибий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш;

давлат хизматлари кўрсатиш тизимини ривожлантириш билан боғлиқ долзарб ва истиқболли муаммоларни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлар ташкил этиш.

Агентлик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## 20. Агентлик:

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилиши;

давлат хизматлари кўрсатишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиниши ва ҳимоя қилинишини таъминлаш;

жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш соҳасини ривожлантириш масалалари бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг ҳудудий бошқармалар ва таркибий бўлинмалар томонидан амалга оширилишини ташкил этиш.

Агентлик фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичлари бўйича Агентликнинг бўлинмалари ишини ташкил қилиш;

худудий бошқармалар ва давлат хизматлари марказлари билан биргаликда Агентликка юкланган вазифалар ва функциялар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш

## **2-§ Агентлик марказий аппаратининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

21. Агентлик марказий аппарати ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини қонун ҳужжатлари ва маъмурий регламентлар талабларига риоя этилиши нуктаи назаридан текшириш;

давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига аниқланган қонун бузилишлари, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида кўриб чиқиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

давлат хизматлари кўрсатиш марказлари орқали уларнинг бинолари ва туташ ҳудудларида реклама фаолиятини, шунингдек, юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳолда тадбиркорлик субъектларининг муҳр ва штампларини тайёрлаш фаолиятини амалга ошириш.

Агентлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган маълумот ва ҳужжатларни давлат бошқаруви органларидан ва давлат хизматини кўрсатиш доирасида мутахассислардан, фуқаролардан ва мансабдор шахслардан бепул сўраш ва олишга;

давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш зарурлиги асосида Вазирлик ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига "ягона дарча" тамойили бўйича фақат давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклиф киритиш;

тегишли маълумотлар базаларидан, давлат ахборот тизимларидан ва ваколатли органлар ресурсларидан белгиланган тартибда фойдаланиш;

юқори малакали хорижий ва мамлакатимиз мутахассисларини контракт асосида консултанат ва эксперт сифатида ишга таклиф қилиш;

Агентликнинг худудий бошқармалари раҳбарлари иштирокида давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш масалалари бўйича йиғилишлар ўтказиш;

Агентликнинг худудий бошқармалари раҳбарларига тезликда ҳал қилиниши талаб этиладиган ва Агентликка юкланган вазифалар ҳамда функцияларни бажариш билан боғлиқ масалалар юзасидан белгиланган тартибда топшириқлар бериш;

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида давлат ва инвестиция дастурлари бажарилиши масалалари бўйича худудий бошқармалар фаолиятини ўрганиш;

Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг кўриб чиқиши учун таклифлар киритиш.

Агентлик марказий аппарати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## 22. Агентликнинг марказий аппарати:

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида давлат сиёсати самарали амалга оширилишини таъминлаш;

Агентлик фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларига эришишни таъминлаш бўйича Агентлик марказий аппарати бўлинмаларининг ишини ташкил этиш;

Агентлик томонидан Вазирликка кўриб чиқиш учун киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек, Агентлик томонидан қабул қилинадиган давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида буйруқлар сифатли тайёрланиши ва экспертизадан ўтказилиши;

давлат хизматлари кўрсатишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонунини манфаатларига риоя қилиниши ва ҳимоя қилинишини таъминлаш;

жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш соҳасини ривожлантириш масалалари бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, “йўл хариталари” ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш учун жавоб беради.

Агентликка юкланган бошқа вазифаларни самарали амалга ошириш.

## **3-§ Худудий бошқармаларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

23. Худудий бошқармалар ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини қонун ҳужжатлари ва маъмурий регламентлар талабларига риоя этилиши нуқтаи назаридан текшириш;

давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига аниқланган қонун бузилишлари, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

давлат хизматлари кўрсатиш марказлари орқали уларнинг бинолари ва туташ ҳудудларида реклама фаолиятини, шунингдек, юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳолда тадбиркорлик субъектларининг муҳр ва штампларини тайёрлаш фаолиятини амалга ошириш.

ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни давлат органлари худудий бўлинмалари ва уларнинг мансабдор шахсларидан сўраш ва текин олиш;

Агентликка “ягона дарча” тамойили бўйича фақат давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатига қўшимча давлат хизматларини киритиш, давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш бўйича таклиф киритиш;

тегишли маълумотлар базаларидан, давлат ахборот тизимларидан ва ваколатли органлар ресурсларидан белгиланган тартибда фойдаланиш;

юқори малакали хорижий ва мамлакатимиз мутахассисларини контракт асосида консўльтанат ва эксперт сифатида ишга таклиф қилиш;

давлат хизматлари марказларининг давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятини ўрганиш;

сифатли давлат хизматлари кўрсатиш масалалари бўйича нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш;

Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат ва хўжалик бошқаруви ҳудудий органларининг кўриб чиқиши учун таклифлар киритиш.

Ҳудудий бошқармалар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### 24. Ҳудудий бошқармалар:

тегишли ҳудудларда давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида давлат сиёсати самарали амалга оширилишини таъминлаш;

давлат хизматлари кўрсатишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиниши ва ҳимоя қилинишини таъминлаш;

Агентлик фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларига эришиш бўйича Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари ишини ташкил қилиш;

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида ҳудудий бошқармаларнинг Агентликка кўриб чиқиш учун киритилаётган давлат хизматларини такомиллаштириш бўйича таклифлари, шунингдек, бошқа ҳужжатлари сифатли тайёрланиши;

жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматини кўрсатиш соҳасини ривожлантириш масалалари бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш учун жавоб беради.

### **5-боб. Агентлик раҳбарларининг асосий функционал вазифалари**

#### 25. Қуйидагилар Директорнинг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

1) давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

2) Агентлик фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатлари билан Агентликка юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

3) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан тасдиқланган Агентлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича комплекс дастурлар ва тадбирларнинг бажарилиши ҳолатини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

4) Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва давлат хизматлари кўрсатиш марказлари фаолияти билан боғлиқ давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида прогноз кўрсаткичларига эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича амалий чораларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

5) давлат хизматлари кўрсатиш масалалари бўйича Вазирлик, шунингдек, тегишли вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш;

6) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг топшириқларини бажариш;

7) ўз ўринбосари ва Агентликнинг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини белгилаш. улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш. Агентлик фаолиятининг алоҳида участкаларига раҳбарлик қилиш учун ўз ўринбосари ва бошқа мансабдор шахсларнинг шахсий масъулияти даражасини белгилаш;

8) Агентлик фаолияти режалаштирилишини ташкил этиш, давлат хизматлари кўрсатиш тизимини ривожлантириш тенденциясидан келиб чиқиб Агентлик ва ўз ўринбосарининг ҳар чораклик иш режаларини тасдиқлаш ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлаш;

9) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ва мониторинг олиб боришнинг амалий тизимини яратиш, Агентлик фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизومي мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши учун ҳудудий бошқармалар ва давлат хизматлари марказлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

10) Агентлик ходимларини тизимли қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

11) Агентлик тизимида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Агентликнинг кадрлар захирасини шакллантириш;

12) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ва Вазирлар Маҳкамаси номенклатурасига кирадиган бўш лавозимларга таклиф этилган кадрларнинг. шунингдек. Агентликка ишга қабул қилинаётган бошқа кадрларнинг профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш;

13) «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида», «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти (кейинги ўринларда Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти деб аталади) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3161-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг Регламенти (кейинги ўринларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг Регламенти деб аталади) талабларига мувофиқ давлат хизматлари кўрсатиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, уларнинг Вазирлик ва

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратида пухта ишланишида, Вазирлар Маҳкамаси Раҳбарияти ҳузурида химоя қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонида кўриб чиқилишида иштирок этиш;

14) «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида», «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 октябрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қонун лойиҳаси фаолиятининг Намунавий регламентига мувофиқ Агентликнинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш фаолиятини ташкил этиш;

15) давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида Агентликка тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари кўриб чиқилишини таъминлаш, уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида белгиланган муддатларда келишиш (виза қўйиш) учун ўз вақтида Вазирликка киритиш;

16) Агентлик раҳбарлари ва ходимлари хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2014 йил 5 мартдаги ПҚ-2142-сон ва «Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорлари талабларига мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратилган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

17) ўз ўринбосари, ҳудудий бошқармалар ва давлат хизматлари марказлари раҳбарларининг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг яқунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

18) Агентлик ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, ўз ўринбосарини ва Агентликнинг бошқа мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолишининг мақсадга мувофиқлигига доир масалаларни кўриб чиқиш, уларнинг шахсий масъулиятини оширишга доир тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

19) Агентлик ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари асосида тасдиқланган Агентлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари (кейинги ўринларда Агентлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари деб аталади) талабларига риоя этилишини таъминлаш;

20) «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Агентлик тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

21) Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари, шунингдек, давлат хизматлари марказлари ишини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этилишини таъминлаш;

22) «ягона дарча» принципи орқали давлат хизматлари кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ҳамда улардан эркин фойдаланишни ошириш ҳамда «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;

23) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга доир самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очик мулоқотни йўлга қўйиш, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

24) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорликни, уларнинг фаолиятида Агентлик ходимлари ва раҳбарларининг фаол иштирок этишини ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

25) давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

26) Агентлик марказий аппарати ва унинг ҳудудий бошқармалари тўғрисидаги низомларни белгиланган тартибда тасдиқлаш;

27) Агентлик марказий аппарати ходимларини, ҳудудий бошқармалар, шунингдек, давлат хизматлари марказлари раҳбарларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;

28) Агентлик, ҳудудий бошқармалар, давлат хизматлари марказлари мансабдор шахслари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш, шунингдек, уларнинг ижросини белгиланган тартибда назорат қилиш;

29) Агентлик марказий аппарати, ҳудудий бошқармалар ва давлат хизматлари марказлари тузилмаси ва штат жадвалини Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган ходимларнинг сони доирасида тасдиқлаш.

26. Қуйидагилар Директор ўринбосарининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиш;

2) Директор вақтинча бўлмаганда тегишли буйруқ асосида унинг вазифаларини бажариш;

3) Агентликнинг таркибий бўлинмалари фаолиятини назорат қилиш ва уларга бевосита раҳбарлик қилиш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

4) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Агентлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва комплекс тадбирлар ижросини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

5) давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида таркибий бўлинмалар томонидан прогноз кўрсаткичларига эришишни сўзсиз таъминлаш чора-тадбирларини кўриш, бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам эшитиш ва ушбу кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш;

6) таркибий бўлинмалар раҳбарларининг ҳар чораклик режаларини тасдиқлаш, улар бажарилиши устидан назоратни таъминлаш;

7) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, Агентликнинг таркибий бўлинмаларида ижро интизоми бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижалли ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорларига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши учун таркибий бўлинмалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

8) Вазирлик ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири ва Директорнинг буйруқлари ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

9) кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича Директорга таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш чора-тадбирларини кўриш, кадрлар захирасини шакллантириш;

10) давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари таркибий бўлинмалар томонидан сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Агентликнинг таркибий бўлинмаларида тайёрланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва улар кейинчалик Директор томонидан кўриб чиқилиши, имзоланиши (виза қўйилиши) учун виза қўйиш ва ўз вақтида Вазирликка киритилишини таъминлаш;

11) Агентликка тақдим этилган давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш;

12) хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 5 мартдаги ПҚ-2142-сон ва «Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3137-сон қарорлари талабларига тўлиқ мувофиқ амалга ошириш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

13) Агентлик тизими раҳбарлари ва ходимлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам танқидий таҳлил қилиш, уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш;

14) давлат хизматлари кўрсатиш соҳасига тегишли масалалар бўйича Агентлик фаолиятини такомиллаштиришга доир амалий чора-тадбирлар кўриш, давлат хизматлари соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни Директорга киритиш;

15) таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимида қолиши мақсадга мувофиқлигига масаласини кўриб чиқиш бўйича таклифларни Директорга киритиш, функционал вазифалар ва юкланган вазифалар бажарилиши учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш;

16) Агентлик ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилишини, таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларининг ушбу қоидаларга риоя этишини таъминлаш;

17) «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ давлат хизматлари кўрсатиш тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

18) давлат хизматлари самарадорлиги, сифати ва улардан эркин фойдаланишни оширишга доир таклифларни Директорга киритиш;

19) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга доир самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

20) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорликни, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этишни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқиш;

21) давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

27. Қуйидагилар Агентликнинг марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиш;

2) таркибий бўлинмалар фаолиятига бевосита раҳбарлик қилиш, ушбу бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

3) тегишли ҳудудий бошқармалар ва давлат хизматлари марказлари фаолиятини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштириш;

4) прогноз кўрсаткичларининг бажарилишини мунтазам таҳлил қилиш ҳамда таркибий бўлинмалар ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар кўриш бўйича таклифларни Директор ўринбосарига киритиш;

5) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, Вазирлик таркибий бўлинмалари ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорларига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун таркибий бўлинмалар ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

6) Вазирлик ҳайъати қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири ва унинг ўринбосарлари буйруқлари ҳамда топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

7) таркибий бўлинмаларнинг ҳар чораклик иш режалари ишлаб чиқилишини таъминлаш, уларни тасдиқлаш учун киритиш, уларда кўрсатилган вазифалар ва тадбирлар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

8) таркибий бўлинмаларга юкланган вазифалар бажарилишини назорат қилиш, ҳудудий бошқармалар ва давлат хизматлари марказлари фаолиятига амалий ва методик ёрдам кўрсатиш;

9) ҳудудий бошқармалар ва давлат хизматлари марказлари фаолиятига оид масалалар юзасидан қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун Агентлик раҳбариятига киритиш;

10) таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда Директор ўринбосарига таклифлар тақдим этиш, профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги қафолатини таъминлаш, уларнинг касб малакасини ошириш чораларини кўриш, таркибий бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

11) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари таркибий бўлинмалар томонидан сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Агентликнинг таркибий бўлинмаларида тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини кейинчалик Агентлик раҳбарияти томонидан кўриб чиқиш, имзолаш (виза қўйиш), учун кўриб чиқиш ва виза қўйиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг Регламенти ва Вазирлар Маҳкамаси Регламенти талабларига қатъий мувофиқ равишда кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш учун Вазирликка келишиш (виза қўйиш) учун ўз вақтида киритилишини таъминлаш, Вазирлик раҳбарларининг топшириғи бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамаси аппаратида ишлаб чиқишда иштирок этиш;

12) хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 5 мартдаги ПҚ-2142-сон ва «Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорлари талабларига мувофиқ амалга ошириш, хизмат сафарлари

асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

13) таркибий бўлинмалар ходимлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишда танқидий таҳлил қилиш, йиғилишларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг яқунлари бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

14) Агентлик ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этиш, таркибий бўлинмалар ходимлари томонидан кўрсатиб ўтилган қоидаларга риоя этилишини таъминлаш;

15) «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ таркибий бўлинмаларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

16) давлат хизматларининг самарадорлиги, сифати ва улардан фойдаланиш имкониятини ошириш бўйича Вазирлик раҳбариятига таклифлар киритиш;

17) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакиллари мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

18) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатларини ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқиш;

19) давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

28. Қуйидагилар ҳудудий бошқармалар раҳбарларининг асосий функционал мажбуриятлари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиш;

2) ҳудудий бошқармалар ва давлат хизматлари марказлари фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари, бошқа қонун ҳужжатлари ва Вазирлик буйруқлари билан уларга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

3) ҳудудий бошқармалар фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларига эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

4) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва

топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорларига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида сифатли ижро этилиши учун таркибий бўлинмалар ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

5) Вазирлик хайъати қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири ва Директорнинг буйруқлари ва топшириқлари ўз вақтида ҳамда сифатли бажарилишини таъминлаш;

6) давлат хизматлари кўрсатиш соҳасига тааллуқли масалалар юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ҳамкорлик қилиш;

7) ўз ўринбосари ва ҳудудий бошқармалар бошқа мансабдор шахсларининг ваколатларини белгилаш, ҳудудий бўлинмалар фаолиятининг алоҳида участкаларига раҳбарлик қилиш учун ўз ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлиги даражасини белгилаш;

8) ҳудудий бошқармалар фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, ҳудудий бўлинмалар ва ўз ўринбосарининг ҳар чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлаш;

9) ҳудудий бошқармаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ҳудудий бошқармалар кадрлар захирасини шакллантириш;

10) Агентлик номенклатурасига кирадиган бўш лавозимларга таклиф этилган кадрларнинг, шунингдек ҳудудий бошқармаларга ишга қабул қилинаётган бошқа кадрларнинг профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш;

11) ҳудудий бошқармалар ходимларини, ўз ўринбосарини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, шу жумладан, улар эгаллаб турган лавозимда қолиши мақсадга мувофиқлигига доир масалаларни кўриб чиқиш, уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича мунтазам чора-тадбирлар кўриш;

12) ҳудудий бошқармалар ходимлари томонидан Агентлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этишини таъминлаш;

13) ҳудудий бошқарма тизимида «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

14) прогноз кўрсаткичларининг бажарилишини мунтазам таҳлил қилиш ҳамда ҳудудий бошқармалар томонидан ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришишини таъминлашга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар кўриш бўйича таклифларни Директор ўринбосарига киритиш;

15) ҳудудий бошқармалар ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини тизимли равишда танқидий таҳлил қилиш, йиғилишларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг яқунлари бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

16) ҳудудий бошқармалар фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек, давлат хизматларини кўрсатиш самарадорлиги, сифати ва улардан эркин фойдаланишни ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни кўриб чиқиш учун Агентлик раҳбариятига киритиш;

17) ҳудудий бошқармалар таркибига кирадиган давлат хизматлари марказлари фаолиятини назорат қилиш;

18) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланган муддатларда ва тартибда аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очик мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқиш;

20) ҳудудий бошқармалар ходимлари лавозим маошига мукофотлар, устамалар тўлаш, уларга моддий ёрдам бериш, уларни мукофотлаш, рағбатлантириш ва уларга интизомий чора қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш, уларни давлат мукофотлари ва идоравий мукофотлар билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифларни Агентликка киритиш;

21) давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш.

#### **6-боб. Агентлик раҳбарларининг жавобгарлиги**

29. Директор:

- 1) Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун;
- 2) ушбу Низомнинг 20-бандида назарда тутилган жавобгарлик соҳалари бўйича;
- 3) ушбу Низомнинг 25-бандида кўрсатилган функционал мажбуриятларнинг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

30. Директор ўринбосари:

- 1) Агентликка юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши учун (тегишли буйруқ асосида директор бўлмаган тақдирда);
- 2) ушбу Низомнинг 20-бандида назарда тутилган Агентлик жавобгарлик соҳалари бўйича (тегишли буйруқ асосида директор бўлмаган тақдирда);
- 3) ушбу Низомнинг 26-бандида кўрсатилган функционал мажбуриятларнинг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

31. Марказий аппарат таркибий бўлинмалари раҳбарлари:

- 1) тегишли таркибий тузилмаларга юкланган вазифалар ва функцияларни амалга оширилиши учун;

2) ушбу Низомнинг 22-бандида назарда тутилган Агентлик марказий аппаратининг жавобгарлиги соҳаларида;

3) ушбу Низомнинг 27-бандида кўрсатилган функционал мажбуриятларнинг сифатли бажарилиши учун.

32. Худудий бошқармалар раҳбарлари:

1) худудий бошқармаларга юкланган вазифалар ва функциялар амалга оширилиши учун;

2) ушбу Низомнинг 24-бандида назарда тутилган худудий бошқармаларнинг жавобгарлик соҳалари бўйича;

3) ушбу Низомнинг 28-бандида кўрсатилган функционал мажбуриятларнинг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

## **7-боб. Агентлик фаолиятини ташкил этиш**

### **1-§ Агентлик раҳбарияти**

33. Агентликка Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган Директор бошчилик қилади.

34. Директор:

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ўринбосарига эга бўлади;

мақоми ва меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартларига кўра Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири ўринбосарига тенглаштирилади;

ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирига бўйсунди ва ҳисобот беради.

35. Директор юкланган вазифаларни бажариш учун:

1) Агентлик фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;

2) Агентлик ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод этади.

3) худудий бошқармалар бошлиқларининг ҳисоботларини эшитади;

4) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирига:

Агентлик ваколатига тааллуқли масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини;

Агентлик, унинг худудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказларининг ташкилий-кадрлар тузилмаларига ўзгартириш киритиш бўйича таклифларни;

ушбу Низомнинг 38-банди иккинчи хатбошида кўрсатилган шахсларни лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш юзасидан тақдимномаларни;

Агентлик ходимларига мартаба даражаларини бериш бўйича таклифларни;

Агентлик ходимларини рағбатлантириш бўйича таклифларни, уларга давлат мукофотлари бериш юзасидан тақдимномаларни;

Агентлик фаолиятининг яқунлари бўйича ҳисоботни киритади (тақдим этади);

5) ўз ваколатлари доирасида Агентликнинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар ва фармойишлар чиқаради, кўрсатмалар беради;

6) конун ҳужжатларига мувофиқ Агентлик ходимларига тўланадиган устамалар, мукофотлар ва бошқа тақдирлаш пуллари тўлаш тартиби ва шартларини белгилайди;

7) Агентликка юкланган вазифалар бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

8) Агентликнинг куч ва воситаларини самарали тақсимлашни ташкил этади;

9) Агентлик фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича тезкор йиғилишларни ўтказиши;

10) конун ҳужжатларига ҳамда ва ушбу Низомга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

36. Директор бўлмаганда унинг ваколатларини Директор ўринбосари бажаради.

37. Директор Вазирлик ҳайъати таркибига киритилади.

38. Агентлик тизими ходимларини ишга қабул қилиш ва вазифасидан озод қилиш;

бошқарма бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари ва Агентлик марказий аппарати бўлим бошлиқлари. шунингдек, ҳудудий бошқармалар бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари Директорнинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан амалга оширилади;

Агентлик марказий аппарати бошқарув ходимлари ва техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари, шунингдек, давлат хизматлари марказлари директорлари Агентлик директори томонидан амалга оширилади.

ҳудудий бошқармалар бошқарув ходимлари - Агентлик билан келишган ҳолда ҳудудий бошқармалар бошлиқлари томонидан амалга оширилади.

ҳудудий бошқармаларнинг техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари ҳамда давлат хизматлари марказлари ходимлари - ҳудудий бошқармалар бошлиқлари томонидан амалга оширилади.

## **2-§ Агентлик марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг ҳудудий бошқармалар ва давлат хизматлари марказлари билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби**

39. Агентлик марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг ҳудудий бошқармалар ва давлат хизматлари марказлари билан ўзаро ҳамкорлиги Агентлик марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари томонидан таъминланади.

Агентлик марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари ҳудудий бошқармалар ва давлат хизматлари марказлари билан ўз фаолияти йўналишлари бўйича ҳамкорлик қилиб:

1) топшириқларни ҳудудий бошқармаларга ва давлат хизматлари марказларига стказади ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилади.

2) ҳудудий бошқармаларга ва давлат хизматлари марказларига таркибий бўлинмаларнинг бевосита фаолияти масалалари бўйича сўровлар юборади ҳамда уларнинг ижро этилишини назорат қилади;

3) ҳудудий бошқармалар ва давлат хизматлари марказлари фаолияти амалиётини текширади ва ўрганади, умумлаштиради, уни такомиллаштиришга қаратилган чоратадбирларни ишлаб чиқади ва қабул қилади;

4) ҳудудий бошқармалар ва давлат хизматлари марказлари фаолиятини ташкил этиш ва фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот ва ахборот материаллари, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотлар ўрганилишини ташкил этади;

5) ҳудудий бошқармалар ва давлат хизматлари марказлари иш режаларини таҳлил қилади, уларнинг фаолиятини режалаштиришни такомиллаштиришга доир чоратadbирлар кўради;

6) ҳудудий бошқармалардан ва давлат хизматлари марказларидан тушган таклифларни кўриб чиқади.

7) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда ҳудудий бошқармалар ва давлат хизматлари марказлари иштирокини ташкил этади, давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича улардан тушган таклифларни кўриб чиқади.

40. Ҳудудий бошқармалар ва давлат хизматлари марказлари Агентлик марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари билан ҳамкорлик қилади, шу жумладан:

1) Агентлик раҳбарияти топшириқлари ижроси ҳақида ахборот беради;

2) давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида қонун ҳужжатларини амалга ошириш бўйича фаолият натижалари тўғрисида Агентлик марказий аппаратига ахборот тақдим этади;

3) уларнинг фаолиятини текшириш ва ўрганиш натижасида аниқланган ишдаги камчиликларни ва қонун бузилишларини бартараф этиш натижалари тўғрисида маълумот беради;

4) ўз иши натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни белгиланган тартибда ва муддатларда Агентликнинг марказий аппаратига тақдим этади;

5) давлат хизматлари марказлари фаолияти тўғрисида Агентликнинг марказий аппаратига маълумот тақдим этади;

6) давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги муаммоларини ҳал қилишга қаратилган таклифларни Агентликнинг марказий аппаратига юборади;

7) ваколатли органлар томонидан ўтказилган ўз фаолиятини текшириш натижалари тўғрисида хабар беради.

41. Агентлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари, ҳудудий бошқармалар ва давлат хизматлари марказларининг ўзаро ҳамкорлиги жараёнида юзага келадиган келишмовчиликлар Директор ўринбосарининг топшириғига кўра кўриб чиқилади.

Агар кўрсатиб ўтилган кўриб чиқишдан кейин келишмовчиликлар тартибга солинмаса, у бўйича қарор бевосита Директор томонидан қабул қилинади.

### **3-§. Агентликнинг бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги**

42. Агентлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга оширишда бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

Ҳудудий бошқармалар ўз ваколатлари доирасида давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари ҳудудий бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

Давлат хизматлари марказлари оркали давлат хизматларини кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар тегишли маблағларни кўчириш учун банк реквизитлари ва ғазна ҳисобрақамлари тўғрисидаги маълумотларни, шу жумладан ушбу ҳисоб рақамларидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида тақдим этиши лозим.

43. Худудий бошқармалар тегишли худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ўзаро яқин ҳамкорлик қилади.

#### **8-боб. Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторлари**

44. Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлиги мунтазам баҳоланиши лозим.

45. Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигига берилган баҳолар Вазирлик томонидан тасдиқланадиган Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторларига асосланади.

46. Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш яқунлари бўйича:

Агентлик раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жавобгарлик чоралари;

Агентлик фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилади.

Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби ва методикаси қонун ҳужжатларига кўра белгиланади.

#### **9-боб. Агентликни молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш**

47. Агентликни қуйидаги манбалардан молиялаштирилади:

1) ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича:

Агентлик марказий аппарати ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш - Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига;

худудий бошқармалар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш - Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига;

давлат хизматлари марказлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш - Агентликнинг бюджетдан ташқари жамғармаси ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига;

2) Агентлик марказий аппарати, унинг худудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказларининг моддий-техник базасини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, ходимларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш - Агентликнинг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади.

48. Агентликнинг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантиради:

тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишдан тушадиган давлат божи суммалари, шунингдек, давлат хизматлари марказлари ва Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари учун тўланадиган давлат божлари ва барча турдаги йиғимлар суммасининг 20 фоизи миқдоридagi маблағлар;

мансабдор шахслар томонидан давлат хизматлари кўрсатиш тартиби бузилганлиги учун қўлланиладиган маъмурий жарима суммалари;

ушбу Низомнинг 51-бандига биноан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан белгиланадиган пулли хизмат кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

вақтинча бўш турган маблағларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

49. Агентликнинг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағларидан:

Агентликни, унинг ҳудудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказларининг моддий-техник таъминлаш;

Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказларининг биноларини қуриш ҳамда бинолар ва усқуналарни таъмирлаш;

Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказларининг ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш (санаторий-курортда даволаш ва тиббий хизмат кўрсатиш, мукофотлар тўлаш, устамалар белгилаш, моддий ёрдам ва бошқалар);

Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказлари раҳбарлари ва ходимларининг хизмат сафарлари харажатлари, шу жумладан, хорижий мамлакатларга хизмат сафарлари харажатлари;

Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказлари ходимларига устамалар, мартаба даражалари ва кўп йиллик хизмати учун қўшимча ҳақ тўлаш;

белгиланган тартибда Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимларига уй-жойларни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун тўловларни компенсация қилиш;

Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказлари ходимларининг малакасини ошириш, уларни ўқитиш ва стажировка ўташига, шу жумладан, уларнинг хорижий мамлакатларга ташрифларини ташкил этиш, хорижий мамлакатларда ўтказиладиган конференция, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиши;

Агентлик фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрадиган хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар делегацияларининг ташрифларини ташкил этиш;

Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказларнинг коммунал-фойдаланиш ҳамда бошқа жорий харажатлари;

Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказларининг қўшимча штат бирликларини сақлаб туриш;

Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказлари фаолиятини яхшилашга қаратилган бошқа тадбирлар учун фойдаланилади.

50. Агентликнинг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

51. Давлат хизматлари марказларига пулли хизмат кўрсатишдан тушадиган маблағлар (техник хизматлар, шу жумладан, давлат хизматлари кўрсатишда зарур бўлган хизматлар, консалтинг хизматлари, бизнес режа тузиш, реклама хизматлари, муҳр ва штамп тайёрлаш фаолияти, бошқа қўшимча (тегишли) хизматлар) Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва давлат хизматлар марказларини моддий-техник таъминлашга, шунингдек, ходимларни моддий рағбатлантиришга ва ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилади.

Пуллик хизматларнинг рўйхати ва тарифлари, уларни тақсимлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Вазирлик томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири ушбу Низомнинг 48 ва 51-бандларида кўрсатилган манбалар бўйича тушадиган пул маблағлари етарли бўлмаганда адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағларини мазкур Низомнинг 49-бандида кўрсатилган харажатларга йўналтириш ҳуқуқига эга.

53. Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимлари мақоми ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартларига кўра тегишли равишда Вазирлик ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимларига тенглаштирилади.

Агентликнинг марказий аппарат ходимлари учун Вазирлик марказий аппарати ходимлари учун белгиланган тиббий даволаш шартлари сақланиб қолади.

#### **10-боб. Агентликнинг Вазирликка ҳисобот бериши**

54. Директор мунтазам равишда Агентликнинг фаолияти тўғрисида Вазирликка ҳисобот беради.

55. Вазирлик Агентлик раҳбарларига юкланган вазифалар самарали бажарилиши учун уларнинг фаолияти устидан мунтазам мониторинг олиб боради, Агентлик фаолияти самарадорлигига ҳолисона баҳо беради.

56. Мониторинг ва баҳолаш яқунлари бўйича Агентликнинг алоҳида ўрнатилган кўрсатилган раҳбарлари, мансабдор шахслари ва ходимлари рағбатлантирилади ёхуд йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жавобгарликка тортилади.

#### **11-боб. Яқунловчи қоидалар**

57. Агентликни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

58. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 31 январдаги  
70-сон қарорига  
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги ПФ-5278-сон Фармони билан тасдиқланган  
2018 - 2020 йилларда босқичма-босқич жорий этиладиган, “ягона дарча” тамойили бўйича фақат Давлат хизматлари  
марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатини амалга оширишга доир  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

№	Давлат хизматларининг номланиши	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
1	Муҳандислик-коммуникация тармоқларига "тайёр ҳолда" уланиш.	<p>1. Тегишли турдаги давлат хизматлари кўрсатишнинг амалдаги тартибини таҳлил қилиш.</p> <p>Қуйидагилар тўғрисида батафсил маълумот тайёрлаш: давлат хизматларини кўрсатиш тартиби ва муддатлари, мурожаат этувчилар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар, уни тартибга солувчи ҳужжатлар; давлат хизматлари кўрсатиш жараёнида иштирок этган шахслар сони ва уларга қўшимча юкланган вазифалар; давлат хизматлари кўрсатиш учун ваколатли ташкилотларнинг ҳақиқий харажатлари; тўғридан-тўғри давлат хизматлари кўрсатиш биноларининг дислокацияси; қунига (ой ва йилда) давлат хизматлари учун мурожаат этувчиларнинг ўртача сони; аризачилар томонидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар, шу жумладан тегишли тўловлар ва бошқа йиғимлар. давлат хизматлари кўрсатадиган ташкилотларда пайдо бўлиши мумкин бўлган, шу жумладан, моддий-техник таъминот соҳасидаги муаммоли масалалар.</p>	2018 йил 30 январь	<p>"Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АК, "Сувсоз" ДУК, "Тошиссиққуввати" УИЧК, Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги</p>

		<p>2.Тегишли ташкилотларда ахборот тизимлари ва ресурсларини хатловдан ўтказиш. Ахборот тизимлари ва ресурсларини ягона идоралараро электрон алоқалар тизимига интеграциясини таъминлаш чораларини кўриш.</p> <p>3. Давлат хизматлари кўрсатиш бўйича, шу жумладан бошқа давлат органлари ва ўзга ташкилотлардан идоралараро электрон ҳамкорлик орқали олинган ҳужжатлар ва маълумотларни фуқаролардан сўраб олишнинг бекор қилинишини назарда тутган ҳолда, маъмурий регламентлар тасдиқланиши назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, аризаларни кўриб чиқиш вақтини қисқартириш, бланкалар шакллари тасдиқлаш ва ҳ.к.</p> <p>4. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишиш, шунингдек, зарур бўлганда такроран кўриб чиқиш.</p> <p>5. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p> <p>6.Фуқароларнинг кутиш вақтини камайтириш ва давлат хизматлари олиш учун ариза берувчиларни оммавий равишда йиғиш имкониятини истисно қилиш ва норозичиликнинг олдини олиш мақсадида хизмат кўрсатувчи ходимларни мақбул жойлаштириш, олис ҳудудларга чиқиш йўли билан мобиль (сайёр) давлат хизматлари кўрсатиш имкониятларини кўриб чиқиш ва ташкил этиш.</p> <p>7. Интерактив давлат хизматлари Ягона портали орқали электрон шаклда тегишли хизмат олиш учун ариза бериш имкониятини жорий этиш.</p>	<p>2018 йил 25 февраль</p> <p>2018 йил 1 март</p> <p>2018 йил 10 март</p> <p>2018 йил 15 март</p> <p>2018 йил 25 март</p> <p>2018 йил 25 март</p>	
--	--	--	---	--

2	Бино ва иншоотларнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни (фасадини таъмирлашни) келишиш.	1. Тегишли турдаги давлат хизматлари кўрсатишнинг амалдаги тартибини таҳлил қилиш. Қуйидагилар тўғрисида батафсил маълумот тайёрлаш: давлат хизматлари кўрсатиш тартиби ва муддатлари, муурожаат этувчилар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар, уни тартибга солувчи ҳужжатлар; давлат хизматлари кўрсатиш жараёнида иштирок этган шахслар сони ва уларга қўшимча юкланган вазифалар; давлат хизматлари кўрсатиш учун ваколатли ташкилотларнинг ҳақиқий харажатлари; тўғридан-тўғри давлат хизматлари кўрсатиш биноларининг дислокацияси; қунига (ой ва йилда) давлат хизматлари учун муурожаат этувчиларнинг ўртача сони; аризачилар томонидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар, шу жумладан тегишли тўловлар ва бошқа йиғимлар; давлат хизматлари кўрсатадиган ташкилотларда пайдо бўлиши мумкин бўлган, шу жумладан, моддий-техник таъминот соҳасидаги муаммоли масалалар.	2018 йил 30 январь	Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси. Агентлик, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
3	Объектни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилишга рухсат бериш.			
4	Архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш.			
5	Лойиҳа ҳужжатларини келишиш.			
6	Қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга рухсат бериш.			
7	Якка тартибда уй-жой қуришга (реконструкция қилишга) рухсат бериш.	2. Тегишли ташкилотларда ахборот тизимлари ва ресурсларини хатловдан ўтказиш. Ахборот тизимлари ва ресурсларининг ягона идоралараро электрон алоқалар тизимига интеграциясини таъминлаш бўйича чоралар кўриш. 3. Давлат хизматлари кўрсатиш бўйича, шу жумладан, бошқа давлат органлари ва ўзга ташкилотлардан идоралараро электрон ҳамкорлик орқали олинadиган ҳужжатлар ва маълумотларни фуқаролардан сўраб олишнинг бекор қилинишини назарда тутган ҳолда, маъмурий регламентлар тасдиқланиши назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, аризаларни кўриб чиқиш вақтини қисқартириш, бланкалар шакллари тасдиқлаш ва ҳ.к.	2018 йил 25 февраль	
			2018 йил 1 март	

		<p>4. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишиш, шунингдек, зарур бўлганда такроран кўриб чиқиш.</p> <p>5. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p> <p>6. Фуқароларнинг кутиш вақтини камайтириш ва давлат хизматлари олиш учун ариза берувчиларни оммавий равишда йиғиш имкониятини истисно қилиш ва норозичиликнинг олдини олиш мақсадида хизмат кўрсатувчи ходимларни мақбул жойлаштириш, олис ҳудудларга чиқиш йўли билан мобиль (сайёр) давлат хизматлари кўрсатиш имкониятларини кўриб чиқиш ва ташкил этиш.</p> <p>7. Интерактив давлат хизматлари Ягона портали орқали электрон шаклда тегишли хизмат олиш учун ариза бериш имкониятини жорий этиш.</p>	<p>2018 йил 10 март</p> <p>2018 йил 15 март</p> <p>2018 йил 25 март</p> <p>2018 йил 25 март</p>	
8	Курилиши тугалланган (реконструкция қилинган) объектни фойдаланишга қабул қилиш.	<p>1. Тегишли турдаги давлат хизматлари кўрсатишнинг амалдаги тартибини таҳлил қилиш.</p> <p>Қуйидагилар тўғрисида батафсил маълумот тайёрлаш: давлат хизматлари кўрсатиш тартиби ва муддатлари, мурожаат этувчилар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар, уни тартибга солувчи ҳужжатлар;</p>	2018 йил 30 январь	
9	Ўрмон фондига кирмайдиган дарахт ва буталарни кесишга рухсат бериш.	<p>давлат хизматлари кўрсатиш жараёнида иштирок этган шахслар сони ва уларга қўшимча юкланган вазифалар;</p> <p>давлат хизматлари кўрсатиш учун ваколатли ташкилотларнинг ҳақиқий харажатлари;</p> <p>тўғридан-тўғри давлат хизматлари кўрсатиш биноларининг дислокацияси;</p> <p>кунига (ой ва йилда) давлат хизматлари учун мурожаат этувчиларнинг ўртача сони.</p> <p>аризачилар томонидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар, шу жумладан тегишли тўловлар ва бошқа йиғимлар.</p>		Агентлик, туман (шаҳар) ҳокимликлари, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

		<p>Давлат хизматлари кўрсатадиган ташкилотларда пайдо бўлиши мумкин бўлган, шу жумладан, моддий-техник таъминот соҳасидаги муаммоли масалалар.</p> <p>2. Тегишли ташкилотларда ахборот тизимлари ва ресурсларини хатловдан ўтказиш.</p> <p>Ахборот тизимлари ва ресурсларининг ягона идоралараро электрон алоқалар тизимига интеграциясини таъминлаш бўйича чоралар кўриш.</p> <p>3. Давлат хизматлари кўрсатиш бўйича, шу жумладан бошқа давлат органлари ва ўзга ташкилотлардан идоралараро электрон ҳамкорлик орқали олинадиган ҳужжатлар ва маълумотларни фуқаролардан сўраб олишнинг бекор қилинишини назарда тутган ҳолда, маъмурий регламентлар тасдиқланиши назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, аризаларни кўриб чиқиш вақтини қисқартириш, бланкалар шакллари тасдиқлаш ва ҳ.к.</p> <p>4. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишиш, шунингдек, зарур бўлганда такроран кўриб чиқиш.</p> <p>5. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p> <p>6. Фуқароларнинг кутиш вақтини камайтириш ва давлат хизматлари олиш учун ариза берувчиларни оммавий равишда йиғиш имкониятини истисно қилиш ва норозичиликнинг олдини олиш мақсадида хизмат кўрсатувчи ходимларни мақбул жойлаштириш, олис ҳудудларга чиқиш йўли билан мобиль (сайёр) давлат хизматлари кўрсатиш имкониятларини кўриб чиқиш ва ташкил этиш.</p> <p>7. Интерактив давлат хизматлари Ягона портали орқали электрон шаклда тегишли хизмат олиш учун ариза бериш имкониятини жорий этиш.</p>	<p>2018 йил 25 февраль</p> <p>2018 йил 1 март</p> <p>2018 йил 10 март</p> <p>2018 йил 15 март</p> <p>2018 йил 25 март</p> <p>2018 йил 25 март</p>	
--	--	---	---	--

10	Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсат бериш.	<p>1. Тегишли турдаги давлат хизматлари кўрсатишнинг амалдаги тартибини таҳлил қилиш.</p> <p>Қуйидагилар тўғрисида батафсил маълумот тайёрлаш: давлат хизматлари кўрсатиш тартиби ва муддатлари, мурожаат этувчилар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар, уни тартибга солувчи ҳужжатлар;</p> <p>давлат хизматлари кўрсатиш жараёнида иштирок этган шахслар сони ва уларга қўшимча юкланган вазифалар;</p> <p>давлат хизматлари кўрсатиш учун ваколатли ташкилотларнинг ҳақиқий харажатлари;</p> <p>тўғридан-тўғри давлат хизматлари кўрсатиш биноларининг дислокацияси;</p> <p>кунига (ой ва йилда) давлат хизматлари учун мурожаат этувчиларнинг ўртача сони;</p> <p>аризачилар томонидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар, шу жумладан тегишли тўловлар ва бошқа йиғимлар.</p> <p>давлат хизматлари кўрсатадиган ташкилотларда пайдо бўлиши мумкин бўлган, шу жумладан, моддий-техник таъминот соҳасидаги муаммоли масалалар.</p> <p>2. Тегишли ташкилотларда ахборот тизимлари ва ресурсларини хатловдан ўтказиш.</p> <p>Ахборот тизимлари ва ресурсларини ягона идоралараро электрон алоқалар тизимига интеграциясини таъминлаш бўйича чоралар кўриш.</p> <p>3. Давлат хизматлари кўрсатиш бўйича, шу жумладан, бошқа давлат органлари ва ўзга ташкилотлардан идоралараро электрон ҳамкорлик орқали олинadиган ҳужжатлар ва маълумотларни фуқаролардан сўраб олишнинг бекор қилинишини назарда тутган ҳолда, маъмурий регламентлар тасдиқланиши назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, аризаларни кўриб чиқиш вақтини қисқартириш, бланкалар шакллари тасдиқлаш ва ҳ.к.</p>	2018 йил 30 январь	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Агентлик, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
			2018 йил 25 февраль	
			2018 йил 1 март	

		<p>4. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишиш, шунингдек, зарур бўлганда такроран кўриб чиқиш.</p> <p>5. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p> <p>6. Фуқароларнинг кутиш вақтини камайтириш ва давлат хизматлари олиш учун ариза берувчиларни оммавий равишда йиғиш имкониятини истисно қилиш ва норозичиликнинг олдини олиш мақсадида хизмат кўрсатувчи ходимларни мақбул жойлаштириш, олис ҳудудларга чиқиш йўли билан мобиль (сайёр) давлат хизматлари кўрсатиш имкониятларини кўриб чиқиш ва ташкил этиш.</p> <p>7. Интерактив давлат хизматлари Ягона портали орқали электрон шаклда тегишли хизмат олиш учун ариза бериш имкониятини жорий этиш.</p>	<p>2018 йил 10 март</p> <p>2018 йил 15 март</p> <p>2018 йил 25 март</p> <p>2018 йил 25 март</p>	
11	Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланишга рухсат бериш.	<p>1. Тегишли турдаги давлат хизматлари кўрсатишнинг амалдаги тартибини таҳлил қилиш.</p> <p>Қуйидагилар тўғрисида батафсил маълумот тайёрлаш: давлат хизматлари кўрсатиш тартиби ва муддатлари, мурожаат этувчилар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар, уни тартибга солувчи ҳужжатлар; давлат хизматлари кўрсатиш жараёнида иштирок этган шахслар сони ва уларга қўшимча юкланган вазифалар; давлат хизматлари кўрсатиш учун ваколатли ташкилотларнинг ҳақиқий харажатлари; тўғридан-тўғри давлат хизматлари кўрсатиш биноларининг дислокацияси; кунига (ой ва йилда) давлат хизматлари учун мурожаат этувчиларнинг ўртача сони; аризачилар томонидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар, шу жумладан тегишли тўловлар ва бошқа йиғимлар;</p>	2018 йил 30 январь	Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, туман (шаҳар) ҳокимликлари, Агентлик, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

	<p>давлат хизматлари кўрсатадиган ташкилотларда пайдо бўлиши мумкин бўлган, шу жумладан, моддий-техник таъминот соҳасидаги муаммоли масалалар.</p> <p>2. Тегишли ташкилотларда ахборот тизимлари ва ресурсларини хатловдан ўтказиш.</p> <p>Ахборот тизимлари ва ресурсларини ягона идоралараро электрон алоқалар тизимига интеграциясини таъминлаш бўйича чоралар кўриш.</p> <p>3. Давлат хизматлари кўрсатиш бўйича, шу жумладан бошқа давлат органлари ва ўзга ташкилотлардан идоралараро электрон ҳамкорлик орқали олинadиган ҳужжатлар ва маълумотларни фуқаролардан сўраб олишнинг бекор қилинишини назарда тутган ҳолда маъмурий регламентлар тасдиқланиши назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, аризаларни кўриб чиқиш вақтини қисқартириш, бланкалар шакллари тасдиқлаш ва ҳ.к.</p> <p>4. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишиш, шунингдек, зарур бўлганда такроран кўриб чиқиш.</p> <p>5. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p> <p>6. Фуқароларнинг кутиш вақтини камайтириш ва давлат хизматлари олиш учун ариза берувчиларни оммавий равишда йиғиш имкониятини истисно қилиш ва норозичиликнинг олдини олиш мақсадида хизмат кўрсатувчи ходимларни мақбул жойлаштириш, олис ҳудудларга чиқиш йўли билан мобиль (сайёр) давлат хизматлари кўрсатиш имкониятларини кўриб чиқиш ва ташкил этиш.</p> <p>7. Интерактив давлат хизматлари Ягона портали орқали электрон шаклда тегишли хизмат олиш учун ариза бериш имкониятини жорий этиш.</p>	<p>2018 йил 25 февраль</p> <p>2018 йил 1 март</p> <p>2018 йил 10 март</p> <p>2018 йил 15 март</p> <p>2018 йил 25 март</p> <p>2018 йил 25 март</p>	
--	--	---	--

12	Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича аризалар бериш.	<p>1. Тегишли турдаги давлат хизматлари кўрсатишнинг амалдаги тартибини таҳлил қилиш.</p> <p>Қуйидагилар тўғрисида батафсил маълумот тайёрлаш: давлат хизматлари кўрсатиш тартиби ва муддатлари, мурожаат этувчилар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар, уни тартибга солувчи ҳужжатлар; давлат хизматлари кўрсатиш жараёнида иштирок этган шахслар сони ва уларга қўшимча юкланган вазифалар; давлат хизматлари кўрсатиш учун ваколатли ташкилотларнинг ҳақиқий харажатлари; тўғридан-тўғри давлат хизматлари кўрсатиш биноларининг дислокацияси; қунига (ой ва йилда) давлат хизматлари учун мурожаат этувчиларнинг ўртача сони; аризачилар томонидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар, шу жумладан тегишли тўловлар ва бошқа йиғимлар. давлат хизматлари кўрсатадиган ташкилотларда пайдо бўлиши мумкин бўлган, шу жумладан, моддий-техник таъминот соҳасидаги муаммоли масалалар.</p> <p>2. Тегишли ташкилотларда ахборот тизимлари ва ресурсларини хатловдан ўтказиш.</p> <p>Ахборот тизимлари ва ресурсларининг ягона идоралараро электрон алоқалар тизимига интеграциясини таъминлаш бўйича чоралар кўриш.</p> <p>3. Давлат хизматлари кўрсатиш бўйича, шу жумладан бошқа давлат органлари ва ўзга ташкилотлардан идоралараро электрон ҳамкорлик орқали олинadиган ҳужжатлар ва маълумотларнинг фуқаролардан сўраб олишни бекор қилинишини назарда тутган ҳолда маъмурий регламентлар тасдиқланиши назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, аризаларни кўриб чиқиш вақтини қисқартириш, бланкалар шакллари тасдиқлаш ва ҳ.к.</p>	2018 йил 30 январь	Мақтабгача таълим вазирлиги, Агентлик, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
		2. Тегишли ташкилотларда ахборот тизимлари ва ресурсларини хатловдан ўтказиш.	2018 йил 25 февраль	
		3. Давлат хизматлари кўрсатиш бўйича, шу жумладан бошқа давлат органлари ва ўзга ташкилотлардан идоралараро электрон ҳамкорлик орқали олинadиган ҳужжатлар ва маълумотларнинг фуқаролардан сўраб олишни бекор қилинишини назарда тутган ҳолда маъмурий регламентлар тасдиқланиши назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, аризаларни кўриб чиқиш вақтини қисқартириш, бланкалар шакллари тасдиқлаш ва ҳ.к.	2018 йил 1 март	

		<p>4. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишиш, шунингдек, зарур бўлганда такроран кўриб чиқиш.</p> <p>5. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p> <p>6. Фуқароларнинг кутиш вақтини камайтириш ва давлат хизматлари олиш учун ариза берувчиларни оммавий равишда йиғиш имкониятини истисно қилиш ва норозичиликнинг олдини олиш мақсадида хизмат кўрсатувчи ходимларни мақбул жойлаштириш, олис ҳудудларга чиқиш йўли билан мобиль (сайёр) давлат хизматлари кўрсатиш имкониятларини кўриб чиқиш ва ташкил этиш.</p> <p>7. Интерактив давлат хизматлари Ягона портали орқали электрон шаклда тегишли хизмат олиш учун ариза бериш имкониятини жорий этиш.</p>	<p>2018 йил 10 март</p> <p>2018 йил 15 март</p> <p>2018 йил 25 март</p> <p>2018 йил 25 март</p>	
13	Фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш.	<p>1. Тегишли турдаги давлат хизматлари кўрсатишнинг амалдаги тартибини таҳлил қилиш.</p> <p>Қуйидагилар тўғрисида батафсил маълумот тайёрлаш: давлат хизматлари кўрсатиш тартиби ва муддатлари, мурожаат этувчилар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар, уни тартибга солувчи ҳужжатлар; давлат хизматлари кўрсатиш жараёнида иштирок этган шахслар сони ва уларга қўшимча юкланган вазифалар; давлат хизматлари кўрсатиш учун ваколатли ташкилотларнинг ҳақиқий харажатлари; тўғридан-тўғри давлат хизматлари кўрсатиш биноларининг дислокацияси; қунига (ой ва йилда) давлат хизматлари учун мурожаат этувчиларнинг ўртача сони; аризачилар томонидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар, шу жумладан тегишли тўловлар ва бошқа йиғимлар; давлат хизматлари кўрсатадиган ташкилотларда пайдо бўлиши мумкин бўлган, шу жумладан, моддий-техник таъминот соҳасидаги муаммоли масалалар.</p>	2018 йил 30 январь	"Халқ банки" АТБ, Агентлик, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

	<p>2. Тегишли ташкилотларда ахборот тизимлари ва ресурсларини хатловдан ўтказиш. Ахборот тизимлари ва ресурсларининг ягона идоралараро электрон алоқалар тизимига интеграциясини таъминлаш бўйича чоралар кўриш.</p> <p>3. Давлат хизматлари кўрсатиш бўйича, шу жумладан бошқа давлат органлари ва ўзга ташкилотлардан идоралараро электрон ҳамкорлик орқали олинган ҳужжатлар ва маълумотларни фуқаролардан сўраб олишнинг бекор қилинишини назарда тутган ҳолда маъмурий регламентлар тасдиқланиши назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, аризаларни кўриб чиқиш вақтини қисқартириш, бланкалар шакллари тасдиқлаш ва ҳ.к.</p> <p>4. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишиш, шунингдек, зарур бўлганда такроран кўриб чиқиш.</p> <p>5. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p> <p>6. Фуқароларнинг кутиш вақтини камайтириш ва давлат хизматлари олиш учун ариза берувчиларни оммавий равишда йиғиш имкониятини истисно қилиш ва норозичиликни олдини олиш мақсадида хизмат кўрсатувчи ходимларни мақбул жойлаштириш, олис ҳудудларга чиқиш йўли билан мобиль (сайёр) давлат хизматлари кўрсатиш имкониятларини кўриб чиқиш ва ташкил этиш.</p> <p>7. Интерактив давлат хизматлари Ягона портали орқали электрон шаклда тегишли хизмат олиш учун ариза бериш имкониятини жорий этиш.</p>	<p>2018 йил 25 февраль</p> <p>2018 йил 1 март</p> <p>2018 йил 10 март</p> <p>2018 йил 15 март</p> <p>2018 йил 25 март</p> <p>2018 йил 25 март</p>	
